



ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШДА БОШҚА ҲУҚУҚ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

Гайбулов Шерзод Шокирович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6569737>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01- may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 15- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Жиноят қонунини,
либераллаштириш,
бошқа ҳуқуқ тармоқлар,
жиноят, жазо,
маъмурий,
Конституция,
ижтимоий ҳафлилик,
инсон ҳуқуқи.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада Жиноят қонунини либераллаштиришда бошқа ҳуқуқ тармоқларининг ўрнига доир масалалар баён этилган. Бундан ташқари, ушбу мақолада Жиноят қонунини либераллаштиришда Маъмурий ҳуқуқ, Конституциявий ҳуқуқ, Жиноят-ижроия ҳуқуқи, Фуқаролик ҳуқуқи каби фанларнинг ўзaro боғлиқлик жиҳатлари ҳам очиқ берилган

Бизга маълумки, жиноят ҳуқуқи энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилади. Бошқа барча ижтимоий муносабатлар бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан тартибга солинади ва муҳофаза қилинади. Барча ҳуқуқ тармоқлари ўзининг тартибга солиш предмети ва методига эга. Барча ҳуқуқ тармоқларининг асоси Конституция ҳисобланади. Барча ҳуқуқ тармоқлари Конституциядан келиб чиқади. Конституцияга асосланган ҳолда ҳуқуқ тармоқлари ажратилади. Жиноят ҳуқуқи тармоғи ҳам Конституция асосида шаклланган ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқининг асосий манбаси бўлмиш жиноят қонунини либераллаштиришда бошқа ҳуқуқ тармоқларининг ўрни катта ва

улар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ўртасидаги чегарани аниқлашда ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари муҳим рол ўйнайди.

Жиноят қонунини либераллаштириш масаласига келсак, бошқа ҳуқуқ соҳалари бутун жиноят қонунини эркинлаштиришда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатлашда, қилмишнинг ижтимоий ҳафлилик хусусиятини йўқотганлиги ва уни Жиноят кодексидан декриминализация қилишда, жиноий жазоларни қўллаш самарадорлигини ўрганиш ва самарадорлигини йўқотган ҳамда жазо мақсадига эришишга яроқсиз бўлиб қолган жазо турларини жиноят қонунинидан чиқариб ташлашда катта аҳамиятга эгадир. Шу ўринда айнан



қайси ҳуқуқ соҳалари жиноят қонунини либераллаштиришда катта рол ўйнайди деган савол туғилади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари эса, жиноят ҳуқуқи нормалари учун дастлабки асос-манба ҳисобланади. Конституциявий ҳуқуқ жиноят қонунининг тизими ва тузилишини белгилаб беради, жиноят қонуни биринчи навбатда муҳофаза қилиши лозим бўлган энг муҳим ижтимоий муносабатларни белгилаб беради.

Жиноят ҳуқуқи айнан Конституциявий ҳуқуқ асосида ривожланиши ва либерализация қилиниши лозим. Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари принципи, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги қондаси, жамият иқтисодий тизими ва бошқалар жиноят қонунини либерализация қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай қонун, шу жумладан, жиноят қонунини ҳам Конституцияга мос равишда тузилган ва унинг ривожланиши ҳам ўз навбатида Конституция асосида амалга оширилади. Хозирга қадар амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси конституциявий ҳуқуқ нормалари ҳисобланади. Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, у энг муҳим ижтимоий муносабатларни белгилаб беради. Мана шу энг муҳим ижтимоий муносабатлар жиноят-ҳуқуқий нормлар орқали муҳофаза қилинади. Мустақилликка эришганимиздан то ҳозирги кунгача Жиноят кодексига бир қанча ўзгартишлар киритилди ва киритилмоқда. Лекин бу ўзгартиришлар киритиш механизми бир бутун тизим сифатида тартибга

солинмаган. Бизнинг фикримизча, либераллаштириш жараёнини янада самарали амалга ошириш учун муаян муддатга амалга оширишга мўлжалланган ислохотлар режаси ишлаб чиқилиши лозим. Бу ислохотлар режаси Конституцияда белгилаб қўйилган принциплар ва қадриятларга асосланган бўлиши ва уларни ҳимоя қилиши керак.

Умуман бу ҳақида юқоридаги бобларимизда кўп маълумотлар келтирилган. Жиноят-ижроия ҳуқуқи ҳам жиноий жазоларни ижро этиш тартибини белгилайди ва ушбу жазоларни ижро этиш пайтида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Жиноят-ижроия ҳуқуқи жиноий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш жараёнида жазонинг мақсади, уни амалга ошириш ва жазони қўллаш натижаларини аниқлайди. Шунингдек, жиноят-ижроия ҳуқуқи жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалалари билан ҳам бевосита боғлиқдир. “Жиноят қонунини либераллаштиришда жиноят-ижроия ҳуқуқининг ўрни шу билан белгиланадики, жиноят-ижроия ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида қайси жазо самарадорлигини йўқотганлиги ва жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун яроқсизлиги, айнан қайси жазо инсон ҳуқуқларини чеклаш борасида бошқаларига нисбатан репрессив характерда эканлигини аниқлайди”. Жиноят ижроия ҳуқуқига таянган ҳолда жиноят қонунидан муайян бир жазо турини чиқариб ташлаш мумкин. Жиноят-ижроия ҳуқуқи шунингдек,



муайян бир жазо турини қонунчиликка киритишга имкон берадиган шарт-шароитлар вужудга келганлигини белгилайди ва шу асосда жиноят қонунига самарали бўлиши мумкин бўлган ва шахс ҳуқуқларига камроқ дахл қиладиган таъсир чорасини киритиш мумкин. Шу билан бирга жиноят-ижроия ҳуқуқи амалиётига таяниб, жиноят қонунда альтернатив жазо турларини кўпроқ белгилаш масаласи кўриб чиқилиши лозим. Мисол учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш оқибатида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтади деб ҳеч ким кафолат бера олмайди, аксинча маҳкум жазони ижро этиш колониясида жиноят оламига тушиб қолади ва жазони ижро этиб бўлганидан кейин ҳам жиноий фаолиятни давом эттириши мумкин. Албатта озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда шахсий хусуниятлар ва факторлар ҳисобга олиниши лозим. Масалан, шахснинг илгари судланганлиги, судланганлик муддатининг тугамаганлиги, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, судланувчининг шахси ва бошқалар. Бироқ иқтисодий жиноятлар ҳамда бланкет диспозицияли жиноятларнинг айримлари учун муқобил жазо турлари белгиланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Жиноят-ҳуқуқий нормалар моддий ҳуқуқ нормалари ҳисобланса, жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари процессуал ҳуқуқ нормалари ҳисобланади, яъни уларда ЖКда белгиланган жазоларни ижро этиш тартиби белгиланган. Умуман, жиноят қонуни ижтимоий муносабатларни уларга тажовуз қилган шахсларга жазо белгилаш орқали

муҳофаза қилади. Жазо институтисиз жиноят қонунини ўзининг моҳиятини йўқотади. Чунки ЖКнинг 2-моддасида белгиланган жиноят қонуни вазифалари, махсус қисм моддаларида назарда тутилган жиноят таркиблари охир оқибатда айбдор шахсга қўлланилиши лозим бўлган жазо чорасини белгилашни назарда тутди. Жиноят-ижроия ҳуқуқи айнан мана шу жазоларни ижро этиш тартибини белгилайди. Жазоларни ижро этиш масаласи жиноят қонунини учун жуда катта аҳамиятга эга. Жиноят ижроия кодексида жазоларни ижро этиш қоидалари тўғри берилган бўлиб, улар амалиётда самарали қўлланган тақдирдагина жиноят қонунининг ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш функцияси нормал фаолият юритиши ҳақида гапиришимиз мумкин. Жазо белгиланган тақдирда, уни ижро этиш масаласи етарлича тартибга солинмаган бўлса, жазо белгиланган моддий ҳуқуқ нормалари фикцияга айланиб қолади. Шунинг учун жиноят қонунини ислоҳ қилишдан олдин жазоларни ижро этиш соҳасини такомиллаштириш, уларни қўллаш самарадорлигини кучайтириш, амалиётдаги ва жиноят-ижроия қонунчилигидаги муаммоларни бартараф этиш учун ушбу ҳуқуқий ислохотлар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқ эса, давлат бошқарувини, ижро этиш-фармойиш бериш фаолиятини амалга ошириш пайтида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик масалалари



ҳам ушбу ҳуқуқ тармоғи билан қамраб олинади. Маъмурий ҳуқуқ ва жиноят ҳуқуқи соҳалари бир-бирига жуда яқин ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувини амалга ошириш пайтида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ушбу муносабатларга тажовуз қилинганда, уларни амалга ошириш тартиби бузилганда жиноят-ҳуқуқий нормалар ишга тушади. Шунинг учун Жиноят кодексининг XV боби бошқарув тартибига қарши жиноятларга бағишланган. Бироқ бу соҳадаги қилмишларни квалификация қилиш ва улар учун жазо тайинлашда бир қанча муаммолар мавжуд. Мисол учун, мансабдор шахс ва масъул мансабдор шахс терминларига ҳалигача тўлиқ таъриф берилмаганлиги ёки мансабдор шахс ва давлат хизматчилари ўртасидаги чегаранинг ҳалигача белгиланмаганлиги шулар жумласига киради. Жиноят қонунинидаги мазкур муаммони ҳал этишдан олдин маъмурий қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш лозим. Чунончи, “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги катта қадам бўларди. ЖКнинг кўпчилик моддаларида маъмурий преюдиция белгиланганлиги бунинг яққол намунасидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг ўзаро фарқи шундаки, кейингиси ижтимоий хавфли хусусиятга эга. Лекин ижтимоий муносабатлар ривожланиб боргани сари жиноят ҳисобланган қилмишлар ўз ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиб боради.

“Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ўртасидаги чегара жуда ҳам ҳаракатчан

ҳисобланади ва муйаян шарт-шароитлар мавжуд бўлганда маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноятга айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин”.

Қонун чиқарувчининг вазифаси мана ўзгаришларни вақтида аниқлаб уларни жиноятдан маъмурий ҳуқуқбузарлик категориясига ўтказишдир. Бу фаолият либерализациянинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 60 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Бунда, авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонун қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бир хиллашувини таъминлайди.

Жиноят кодекси 217-моддаси “йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоийшлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш” жиноятига бағишланган. Бу модда бланкет диспозицияли модда ҳисобланади. Муаммоли томони шундаки, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоийшлар уюштириш, ўтказиш тартиби ҳеч қайси ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилмаган. Бу соҳадаги бўшлиқ эса маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тўлдирилади.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари амал қилаётган



шароитда фуқаролик ҳуқуқи ва жиноят қонунини ўртасидаги алоқани кўришимиз мумкин. Айниқса иқтисодий жиноятларда бу яққол намоён бўлади. Жиноят ва фуқаролик ҳуқуқий деликт ўртасидаги чегарани қатъий белгилаш либераллаштиришда катто рол ўйнайди. Шунингдек, кўпчилик жиноят-ҳуқуқий нормаларда моддий зарар ёки жиддий зиён каби категориялар қўлланилади. Бу категорияларнинг таърифи афсуски, Фуқаролик кодексида келтирилмаган. Шунинг учун бу атамаларнинг аниқ таърифи фуқаролик қонунчилигида келтирилиши ва бу атамалар жиноят қонунчилигида айнан қўлланилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Амалиётда шунингдек, аслида фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳисобланган муносабатни жиноят-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш ҳоллари учраб турибди. Яъни қарздорлик муносабатлари асосида амалга оширилган қилмиш жиноят сифатида ЖК 168-моддаси билан квалификация қилиш ҳоллари кузатилмоқда. Биламизки, қарздор ва кредитор ўртасидаги муносабатлар бу фуқаролик ҳуқуқига оид. Бироқ амалиёт ходимлари қонун нормаларини нотўғри талқин қилмоқдалар. Шу мақсадда юқоридаги ҳаракатларнинг таърифи қонунда кенгроқ белгиланиши лозим деб ўйлаймиз.

Жиноят қонунини либераллаштиришда Халқаро оммавий ҳуқуқ ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

“Халқаро оммавий ҳуқуқ – бу давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир”. Юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро ҳуқуқ

нормалари миллий қонунчиликка нисбатан устувор мавқега эга. Шу боисдан халқаро ҳуқуқ жиноят қонуни нормаларини эркинлаштириш ва либераллаштиришда муҳим рол ўйнайди. Чет эл фуқароларининг жавобгарлиги, жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши масалаларини халқаро ҳуқуқ нормаларисиз ечиб бўлмайди. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш масаласи ҳам иккала ҳуқуқ соҳасининг муаммоли вазифаси ҳисобланади. Биламизки, Жиноят кодексида конвенцион нормалар деб аталувчи нормалар мавжуд. Бироқ уларда белгиланган қоидалар ҳар доим ҳам халқаро шартнома қоидаларига мос эмас. Шунинг учун бу нормалар халқаро конвенция нормаларига мослаштирилиши лозим. Бу ҳолат жиноят қонунини либераллаштириш борасида жуда катта қадам бўлар эди. Кўриб турганимиздек, бошқа ҳуқуқ нормалари жиноят қонунини такомиллаштиришда тўғридан тўғри рол ўйнайди. Жиноят қонунидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун бошқа ҳуқуқ тармоқларидаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш лозим (масалан, маъмурий ҳуқуқ соҳасида “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурияти ва бошқалар). Чунки улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Жиноят қонунини либераллаштириш учун жиноят-ижроия қонунини ислоҳ этиш катта аҳамиятга эга. Чунки жазонинг самарали ижросисиз жиноят қонунини ўз моҳиятини йўқотади.



Хулоса қиладиган бўлсак, Халқаро ҳуқуқ нормаларидаги қоидалар жиноят қонунига имплементация қилиниши лозим. Бу халқаро ҳуқуқ нормаларининг

устунлик принциpidан келиб чиқади ва конвенцион жиноят таркибларини такомиллаштиришга муҳим ўринга эга.